

БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ МАБЛАҒЛАР ҲИСОБИ ВА НАЗОРАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

(ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтган ОТМлар мисолида)

Тошкент молия институти

Н. Тилаков

Аннотация: Мақолада ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтган олий таълим муассасаларида бюджетдан ташқари маблағлар ҳисоби ва назоратини амалга ошириш тартибини такомиллаштириш ҳамда ўзини ўзи молиялаштириш тизимини самарали ташкил этиш каби масалалар кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: олий таълим, ўзини ўзи молиялаштириш бюджетдан ташқари маблағлар, харажатлар сметаси, ҳисоб, назорат, молиялаштириш, бюджет ташкилоти, муассаса, штатлар жадвали.

Кириш

Жаҳон амалиётида таълим соҳасида бозор муносабатларининг ривожланиш тенденцияси кузатилмоқда. Бу ўз навбатида, олий таълим тизимида рақобатбардош кадрлар тайёрлашни ва пуллик таълим хизматларини ривожлантиришни тақозо этади. Бозор муносабатларини чуқурлаштириш шароитида бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминланишини яхшилаш, бюджет даромадларини кўпайтириш билан биргаликда молиявий маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишни, бюджетдан маблағ билан таъминланаётган муассасаларни молиялаштириш механизмини соддалаштиришни ҳам талаб қилмоқда.

Олий таълим муассасаларининг (кейинги ўринларда ОТМ) молиявий механизмини такомиллаштириш уларнинг молиявий ва хўжалик эркинликларини кенгайтириш, бюджетдан ташқари молиялаштириш манбаларини, шу жумладан хорижий инвестицияларни жалб этиш имкониятларини кенгайтириш орқали амалга оширилади.

Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишларига ҳамда халқаро стандартлар талабларига мос келадиган олий таълим тизимини яратиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон Фармони, “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон Фармони ва “Олий ва ўрта махсус таълим тизимида бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 11 июлдаги ПҚ-4391-сон қарори,

шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасаларини босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш тўғрисида” 2019 йил 3 декабрдаги ВМҚ-967-сон қарори каби меъёрий ҳужжатлар ижросини таъминлаш ҳамда олий таълим муассасаларининг молиявий бошқарув тизимини тубдан такомиллаштириш, уларга бюджетдан ташқари маблағларни жалб қилишда кўпроқ имкониятлар яратиш, олий таълимдаги ислоҳотлар самарадорлигини янада ошириш асосий мақсадлардан саналади.

Адабиётлар шарҳи

Ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтган олий таълим муассасаларида бюджетдан ташқари маблағлар ҳисоби ва назоратини амалга ошириш, бюджетдан ташқари маблағлар, ўзини ўзи молиялаштириш тизими каби мавзу негзини ташкил этувчи асосий тушунчаларни тадқиқотнинг объектлари сифатида эътироф этишимиз мумкин. Мазкур тушунчаларга хорижлик ҳамда маҳаллий олимларнинг илмий асарларида ва бошқа мабаларда келтирилган илмий изоҳларни ўрганиб чиқамиз.

Бизга маълумки, олий таълим муассасалари молия-хўжалик фаолиятида бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларнинг шаклланиши ҳамда улар устидан назоратни таъминлаш бевосита бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш асосида амалга оширилади. Бу борада, яъни олий таълим муассасалари молия-хўжалик фаолиятида бюджетдан ташқари маблағлар ҳисоби ва назорати масалалари юзасидан етук иқтисодчи олимлар томонидан амалга оширилган куйидаги илмий тадқиқот ишлари мавжуд. Жумладан, хорижлик олимлардан М.А.Рябова ва Д.Г.Айнулловаларнинг (2010) илмий асарларида “Бюджет муассасалари давлатнинг юқори турувчи ҳамда маҳаллий молия органлари томонидан ижтимоий-маданий, илмий-техникавий ва бошқа функцияларни бажаришда нотижорат характерга эга муассасалардир. Ушбу бюджет муассасалари фаолияти давлат бюджетидан ҳамда давлатнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан даромадалар ва харажатлар сметалари асосида молиялаштириладиган (мактаблар, олий ва ўрта таълим муассасалари, соғлиқни сақлаш муассасалари, маданият ва бошқалар) муассасалардир” - деб, таъриф келтирилган.

А.К.Ибрагимов, Б.Б.Сугирбаевлар (2010) “Бюджет ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағлардан мақсадли фойдаланиш, мазкур маблағларнинг шаклланиши ҳамда уларни белгиланган меъёрларга амал қилган ҳолда сарфлаш муҳим аҳамиятга эга” – деб, илмий қарашларини келтириб ўтишган.

М.Х.Саидов (2002) “Олий таълим муассасасининг харажатлар сметаси унинг фаолиятини таъминлаш учун бюджетдан бериладиган маблағни умумий миқдори, мақсадли йўналиши ва ойлар бўйича тақсимланишини белгиланишини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади. Мазкур ҳужжат

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган намунавий шаклда тузилади” – деб, таъкидлаган.

Э.Т.Одилов (2012) “Давлат ўз вазифаларини бажариш жараёнида бир қатор харажатлар қилиши зарур. Бу харажатлар, энг аввало, мамлакат иқтисодиётини, турмуш даражасини кўтаришга мўлжалланган, ижтимоий вазифаларни бажаришга ажратилган, давлатни бошқариш, мудофаани таъминлаш каби аниқ мақсадларга қаратилган, режалаштирилган харажатлардан иборат бўлади. Булар умумдавлат харажатлари ҳисобланиб, давлат бюджети орқали молиялаштирилади” – деб, илмий фикр билдирган.

К.Ш.Ибрагимов (2018) “Мамлакатимиз молия тизимида амалга оширилаётган ислохотлар бюджет ташкилотларида, жумладан олий таълим муассасаларида молиявий маблағлар манбаларидан самарали фойдаланишни талаб этмоқда. Республикамизда иқтисодий ислохотлар амалга оширилаётган ҳозирги шароитда таълим тизимини молиявий соғломлаштиришнинг стратегик йўналиши, бюджетдан ажратиладиган маблағларни асосли равишда қисқартириб бориш орқали бюджетдан ташқари маблағларни кенг жалб этиш бозор иқтисодиётининг асосий талабларидан ҳисобланади” – деб, ўзининг илмий талқинини баён этган.

Бизнинг фикримизча, ўзини ўзи молиялаштириш тизими олий таълим жараёнида мазкур соҳа учун янги тушунча ҳисобланиб, унда бюджетдан ташқари маблағларни шаклланиши ҳамда сарфланиш механизмининг қонунчиликка тегишли ўзгартиришлар киритган ҳолда аниқ белгилаш зарур. Хусусан, юридик шахс мақомига эга бўлган ҳамда ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказилган институционал бирлашмалар, эндиликда қонунчилик нормаларида белгилаб қўйилган “Бюджет ташкилоти” мақомига тўлиқ мос келмайди.

Тадқиқот методологияси

Мақолада ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтган олий таълим муассасаларида бюджетдан ташқари маблағлар ҳисоби ва назоратини такомиллаштиришга оид бўлган долзарб масалалар чуқур таҳлил қилиниб, иқтисодий воқелик жараёнларини ўрганишнинг илмий усуллари - умумлаштириш, гуруҳлаштириш ва таққослама усуллар, шунингдек иқтисодий таҳлил, абстракт-мантикий фикрлаш, статистика, истиқболли прогнозлаш каби усуллардан фойдаланган ҳолда тадқиқот объекти доирасида соҳани ривожлантириш йўналишлари ўрганилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси

Бизга маълумки, Ўзбекистон Республикаси “Бюджет кодекси”нинг (2013) 63-моддаси “Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағларини ундириладиган тўловлар ҳисобидан шакллантириш” деб номланиб, мазкур моддага кўра бюджет ташкилотлари томонидан бюджетдан

ташқари маблағларнинг ундириладиган тўловлар ҳисобидан шаклланиш манбалари аниқ белгилаб берилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли “Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ бюджет ташкилотларига бюджетдан ташқари маблағларни шаклланиши ва сарфланиш йўналишларининг аниқ тартиби ва мезонлари белгилаб берилган.

АМАЛДАГИ ҲОЛАТ

1. ОТМни ташкилий-ҳуқуқий мақоми бюджет ташкилоти сифатида белгиланган. Хусусан, молиявий мустақилликка ўтган ОТМларнинг ташкилий-ҳуқуқий мақоми Фуқаролик кодекси ҳамда Бюджет кодексига - **Бюджет ташкилоти (Бюджетдан маблағ олувчи)** тоифасига тегишли

2. ОТМ ташкилий тузилмаси ва штатлар жадвали вазирлик даражасида тасдиқланади. Яъни, ОТМлар ташкилий тузилмасига ва штатлар жадвалига, шу жумладан профессор-ўқитувчиларга ойлик маош тўлашни диверсификациялашда мустақил қарор қабул қилиш имконияти берилмаган

3. Ўқитишнинг тўлов-контракт миқдори вазирликлар билан келишилган ҳолда белгиланади. Хусусан, тўлов-контракт миқдори ОТМни ўқитиш ва илмий фаолият олиб боришнинг ҳақиқий харажатларидан келиб чиқиб белгиланмаган

4. Харажатларни режалаштиришда марказлашган механизм амал қилади. Яъни, ОТМларда харажатлар сметасини олий таълим вазирлигидан рўйхатдан ўтказиш тартиби ўрнатилган

ТАКЛИФ

Молиявий мустақилликка ўтган ОТМларнинг ташкилий-ҳуқуқий мақоми Қонун ҳужжатларида аниқ белгилаш. Мухтор (автоном) ОТМ тўғрисидаги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш

ОТМларга белгиланган нормативлар доирасида ташкилий тузилма ва штатлар жадвали (шу жумладан иш ҳақи миқдори)ни мустақил белгилаш ҳуқуқини бериш

ОТМларда тўлов-контракт миқдорини белгилашни бозор омилларига (эркин рақобат асосида) мувофиқ белгилашга рухсат бериш

ОТМларда даромадлар ва харажатлар меъёрлари ва турларини мустақил белгилаш

1-расм. Ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтган ОТМларининг молиявий мустақиллигини таъминлашга хизмат қилувчи омиллар

Ушбу қарорга мувофиқ бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари Молия вазирлигининг Ғазначилиги ва унинг ҳудудий бўлинмаларида очилган ҳисоб рақамларида ҳисобот чорагининг охириги иш куни охирида бюджет маблағлари бўйича тежаб қолинган маблағлар, фаолияти турига мувофиқ товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотишдан олинган даромадлар, балансида бўлган давлат мулкни ижарага беришдан қонун ҳужжатларига мувофиқ олинган маблағларнинг бир қисми, юридик ва жисмоний шахслар томонидан бериладиган ҳомийлик ёрдами (беғараз ёрдам) ҳисобидан шакллантирилиши белгиланган.

Юқорида таъкидлаб ўтилган, бюджетдан ташқари маблағларни шаклланиш ва сарфланиш йўналишлари умумий жиҳатдан бюджет ташкилоти мақомидаги институтчионал бирлашмаларга тегишлидир. Қуйида тадқиқотларимиз натижасига асосланган ҳолда ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтган олий таълим муассасаларининг молиявий мустақиллигини ҳар жиҳатдан мустаҳкамлашга хизмат қилувчи таклифларимизни амалдаги ҳолат билан таққослаган ҳолда келтириб ўтамиз (1-расм).



**2-расм. Ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтган ОТМларида
бюджетдан ташқари маблағлар ҳисоби ва назоратини
такомиллаштириш йўналишлари**

Шунингдек, бевосита ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтган олий таълим муассасаларининг молиявий мустақиллигини таъминлаш борасида фикр юритар эканмиз, аввало ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтган олий таълим муассасасига тадбиркорлик имкониятларини яратиб бериш ҳамда макур тадбиркорлик натижасидан келиб тушадиган маблағларни эркин ва ҳеч қандай чекловларсиз (тизим доирасидаги юқори турувчи органларнинг аралашувисиз) тасарруф этишга эришиш муҳим ҳисобланади. Хусусан, тадбиркорлик ва бошқа йўналишлардан шаклланадиган бюджетдан ташқари маблағларнинг шаклланиш манбалари ҳамда сарфланиш йўналишлари тегишли норматик ҳужжатлар асосида тартибга солинишини юқорида таъкидлаб ўтдик. Шу нуқтаи назардан қуйидаги 2-расмда биз томонимиздан ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтган олий таълим муассасаларининг молиявий мустақиллигини таъминлашга бевосита хизмат қилувчи амалий тақлифлар келтирилган.

Юқорида тасвирланган 2-расмда келтирилган айрим тақлифлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасаларини босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш тўғрисида” 2019 йил 3 декабрдаги ВМҚ-967-сон қарорида ҳам қисман акс эттирилган бўлиб, аммо биз томонимиздан санаб ўтилган муаммоларга ечим бўла олдадиган низом ёки шу каби услубий кўрсатма(қўлланма) ишлаб чиқилиши зарур.

Шунингдек ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобига биринчи навбатда кредиторлик қарзларни тугатиш, моддий техника баъзасини мустаҳкамлаш, ходимларни моддий рағбатлантиришга йўналтирилиши белгиланган. Таълим муассасасининг махсус маблағлари бўйича бошқа тушумлар яъни иккиламчи хом ашёни топширишдан тушган тушумлар, кераксиз ва эскирган моддий қийматликларни (бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига олинганларини) сотишдан тушган тушумлар, қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа тушумлар ҳисобидан шаклланиши кўрсатиб ўтилган.

Хулоса ва тақлифлар

Юқоридагилардан келиб чиқиб хулоса ўрнида қуйидагиларни таъкидлаш ўринли, деб ҳисоблаймиз:

Бугунги кунда ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтган олий таълим муассасаларида молиявий мустақилликни янада мустаҳкамлаш учун тадбиркорлик йўли билан бюджетдан ташқари маблағларни жалб этиш ва уларнинг манбааларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилиши лозим. Ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтган олий таълим муассасалари

фаолиятини бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига молиялаштиришни ривожлантиришда қуйидагиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ:

1. Ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтган олий таълим муассасаларининг ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳажмини кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирларни кучайтириш. Бунда мутахассислик кафедралари кесимида ҳўжалик шартномалари асосида илмий тадқиқот ишларини ривожлантириш, кадрлар истеъмолчилари билан юқори даражада интеграцияни йўлга қўйиш асосида ҳомийлик маблағларини жалб этишни кучайтириш;

2. Бюджетдан ташқари маблағлар ҳисоби бўйича даромадлар ва харажатлар сметалари ижроси бўйича тўлиқ ва ишончли бухгалтерия ахборотларни шакллантириш ва доимий назоратини ташкил этиш;

3. Ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтган олий таълим муассасаларида мутахассисликларга кириш фанлари бўйича узлуксиз тайёрлов курсларини ташкил этиш, бунда тингловчилар ва профессор-ўқитувчиларни жалб этишни рағбатлантириш механизмини ишлаб чиқиш. Шунингдек, пуллик таълим хизматлари ҳажмини кенгайтириш;

4. Ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтган олий таълим муассасаларида илм, фан ва таълим, ишлаб чиқариш интеграциялашуви бўйича тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш. Бунда, ишлаб чиқариш корхоналарига шартнома асосида мавжуд лаборатория хизматлари, соҳалар бўйича таълим муассасасида консултация хизматлар кўрсатиш марказларини ташкил этиш;

5. Ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтган олий таълим муассасаларида нашр таҳрир ишларини кенг йўлга қўйиш асосида адабиётлар ва ўқув услубий ишларни чоп эттириш. Шу билан бирга юридик ва жисмоний шахсларга шартнома асосида нашр-таҳрир хизматлари кўрсатиш;

6. Бюджетдан ташқари маблағлар бўйича даромадлар ва харажатлар сметасини ижроси ҳисобини ўз вақтида ҳужжатлаштириш ҳамда ҳисоб регистрларида акс эттириш;

7. Ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтган олий таълим муассасаларида бюджетдан ташқари манбаалардан тушган маблағлар бўйича солиқлар ва йиғимлар ҳамда уларни қонунчилик нормаларига мувофиқ имтиёз шаклида акс эттириш ва бошқалар.

Юқорида келтирилган таклиф ва тавсияларимизни амалиётга жорий этилиши ҳамда кенг фойдаланилиши олий таълим муассасалари фаолияти молиявий таъминоти ҳисоби ва назоратини амалга ошириш ҳамда харажатларни молиялаштириш тартибининг услубиётини янада такомиллашувига ҳизмат қилади.

Фойдаланилаган адабиётлар рўйхати

1. Рябова М.А и друг. Бюджетный учет и отчетность : учебное пособие / – Ульяновск : УлГТУ, 2010. – 35 ст. (184 с.).
2. Ибрагимов А.К., Сугирбаев Б.Б. Бюджет назорати ва аудити. Ўқув қўлланма. InfoСOM.Uz МЧЖ. Т.: 2010. 36 б. (192 б);
3. Саидов М.Х., Олий таълим муассасаларини молиялаш.Т.: Молия, 2002 йил б.-134.
4. Одиров Э.Т. Ўзбекистон Республикаси таълим тизимидаги бюджет ташкилотларида молиявий назоратни такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати.Т.: Ўз Р БМА., 2012., 11 б.
5. К.Ш.Ибрагимов. “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботни такомиллаштириш” (Олий таълим муассасалари мисолида). Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация иши автореферати.Т.: ТМИ., 2018., 12 б.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет кодекси” 2013 йил 26 декабрдаги ЎРҚ 360 – сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни билан тасдиқланган.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли “Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори.